

О.Х.ОМОНОВ, Б.Х. АМАНОВ

**HELIANTHUS ANNUUS L.
ТУРИГА МАНСУБ ХОРИЖИЙ
КОЛЛЕКЦИЯ НАМУНАЛАРИНИНГ
АЙРИМ МОРФОХЎЖАЛИК,
ФИЗИОЛОГИК ВА БИОКИМЁВИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИНИ КОМПЛЕКС
БАҲОЛАШ**



ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

О.Х.ОМОНОВ, Б.Х. АМАНОВ

***HELIANTHUS ANNUUS L.* ТУРИГА МАНСУБ ХОРИЖИЙ
КОЛЛЕКЦИЯ НАМУНАЛАРИНИНГ АЙРИМ
МОРФОХЎЖАЛИК, ФИЗИОЛОГИК ВА БИОКИМЁВИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ**

ТОШКЕНТ – 2024

«» НАШРИЁТИ

УЎТ: 581.1.581.19. 633.854.78.

О.Х.Омонов, Б.Х.Аманов *Helianthus annuus* L. турига мансуб хорижий коллекция намуналарининг айрим морфохўжалик, физиологик ва биокимёвий хусусиятларини комплекс баҳолаш //Монография.-Тошкент: “” нашриёти, 2021.- 212 б.

Ушбу монография *Helianthus annuus* L. турига мансуб хорижий коллекция намуналари ва маҳаллий Жаҳонгир навининг физиологик, биокимёвий кўрсаткичлари, ўсимликнинг патоген замбуруғга (*Fusarium solani*) чидамлилиги, кластер ҳамда корреляцион таҳлилларига оид экспериментлар асосида ёзилган.

Ушбу монографиядан физиологлар, ўсимликишунос олимлар, бакалавр, магистр талабала ва мустақил тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир: проф. Ҳ.Х.Матниязова

Такризчилар: б.ф.ф.д., катта илмий ходим Ж.Ш.Шавқиев
б.ф.ф.д., доцент И.В.Сафаров

Чирчиқ давлат педагогика университети Илмий Кенгашининг
2024 йил 15 октябрдаги 03-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

ISBN 978-9943-383-87-6

© «» МЧЖ нашриёти

КИРИШ

Дунёда аҳоли сони ортиб бораётгани туфайли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ҳам кучайиб бормоқда. Ер юзи аҳолиси 2024 йилда 8,0 миллиарддан ошган бўлса, 2050 йилга бориб 9,7 миллиардга етиши башорат қилинмоқда. Дунёда 800 миллион одам доимий очликдан ҳамда 2 миллиард одам микро ва макроэлементлар етишмаслигидан азият чекади. XXI асрда очлик ва тўйиб овқатланмаслик ҳолатларини енгиш, хавфсиз, сифатли, фойдали озиқ-овқат ишлаб чиқаришни ошириш зарур. Шу боис турли тупроқ-иқлим шаротиларига мослашган кунгабоқар ўсимлигининг озиқ-овқат учун мойдор янги навларини яратишда, физиологик ва биокимёвий тадқиқотлардан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳоннинг барча мамлакатларида ёғ тақчиллиги муаммосини ҳал етишда кунгабоқар ўсимлигидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда дунё олдида озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи устувор вазифалардан бири бўлиб, кунгабоқар ўсимлигининг хорижий коллексия намуналаридан фойдаланиш, физиологик ва биокимёвий хусусиятларини аниқлаш, морфохўжалик белгиларини узвий боғлиқлигини ўрганиш асосида, ҳосилдор, ташқи муҳитни стресс омилларига чидамли истикболли навларни яратиш ҳамда турли тупроқ-иқлим шароитида кунгабоқар ўсимлигини йетиштириш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бунда кунгабоқар навларининг турли экологик ҳудудларда синаб кўриш, мосланувчанлик механизмларни аниқлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда кўплаб соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида кунгабоқар етиштириш, ҳосилдорлиги ва мой миқдорини ошириш бўйича катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кунгабоқар ўсимлигининг физиологик ва биокимёвий соҳаларини ривожлантириш, хорижий намуналарини селекция жараёнларига тадбиқ қилиш борасида муҳим натижаларга эришилди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «маҳаллий тупроқ-иқлим

ва экологик шароитларига мослашган қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекцион навларини яратиш ва жорий этиш» каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳозирги глобал экологик шароитда турли кунгабоқар намуналарининг биоэкологик, физиологик ва биокимёвий кўрсаткичлари яъни, оксил ва ёғ миқдори юқорилигини аниқлаш, морфохўжалик белгиларни коррелятив боғлиқлиги ва кластер таҳлилини баҳолаш асосида истиқболли намуналар танлаб олиш илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси” тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПҚ-106-сон “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Жаҳонда кунгабоқар ўсимлигининг физиологик, биокимёвий хусусиятлари ва генетик-селекцион йўналишлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, S.Bona, G.Mosca, T.Vamerali (1999) биоёқилғи ишлаб чиқариш учун кунгабоқарнинг имкониятлари ўрганилган; R.Vidhyavathi, et al. (2005) кунгабоқар ўсимлигини морфохўжалик белгилар ўртасида коррелятив боғлиқлиги таҳлил қилинган; O.Fernandez, et al. (2016) кунгабоқар барглариининг иккиламчи метаболитлари ҳақидаги сўнгги маълумотлар олинган; S.O.Maia Júnior, J.R.Andrade, R.S.Ferreira (2017) турли хил сув режимларида кунгабоқар навларининг фотосинтетик кўрсаткичларини баҳолаган; Taoufik Hosni, Zouhaier